

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБИР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИШ РЕГЛАМЕНТИ

Андижон давлат университети
Кенгашининг 1-сонли йиғилишида
тасдиқланган
(2012 йил 29 август)

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Андижон давлат университетининг
ИШ РЕГЛАМЕНТИ

I. Умумий қоидалар

1. Андижон давлат университетининг Иш регламенти (кейинги ўринларда матнда – Регламент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисидаги Низом ҳамда таълим тизимига доир бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида, шунингдек Олий ва ўрта махсус таълими вазирининг 2018 йил 27 августдаги 447-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Регламентини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, университет фаолиятини ва иш юритишини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Андижон давлат университети (кейинги ўринларда матнда – университет деб юритилади) олий таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашни амалга оширади. Университет қошидаги академик лицей, малака ошириш марказига ўкув жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ўкув-услубий ва моддий ёрдам кўрсатади.

Университет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олдида жавобгардир.

3. Университетга юклатилган вазифаларни амалга ошириш ректор, проректорлар, шунингдек университет ходимларининг ташкилий-амалий иши билан таъминланади.

4. Университет фаолиятига раҳбарликни Ректор амалга оширади. Ректор топшириғига биноан ўкув ишлари бўйича проректор ректорат ишини ташкил қиласи ҳамда университет бошқарма, бўлимлар ва марказлар ишларини мувофиқлаштириб боради. Ректор бўлмаган ҳолларда (хизмат сафари вақтида, меҳнат таътили ва бошқа ҳолларда) унинг вазифасини вақтинча бажаради.

5. Ректорат ва унинг таркибий бўлинмаларининг иш тартиби ректор томонидан тасдиқланган, тегишли низомлар ва иш режалари билан белгиланади.

II. Университет фаолиятини режалаштириш

6. Университет фаолияти ўкув йилига мўлжалланган режага мувофиқ олиб борилади. Иш режаси ректор ўринbosарлари, ўкув бошқармаси ва бўлим бошлиқлари, университет қошидаги марказлар, академик лицей раҳбарларии,

факультетлар деканлари ва кафедралар мудирларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда 20 августгача киритилган таклифлар асосида, август ойининг учинчи ўн кунлигида ректор томонидан тасдиқланади

7. Иш режасида белгиланган вазифалар ҳамда бошқа топшириқларни барча ходимлар ижро интизомига қатъий риоя этган ҳолда ўз вақтида, сифатли ҳамда талаб даражасида бажариши лозим.

8. Ҳужжат лойиҳаларини сифатсиз тайёрлаш ҳолатларига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан ўрнатилган тартибда интизомий жазо чоралари кўрилади.

9. Муҳим давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий муаммоларни ҳал этиш учун университетнинг комплекс ёки мақсадли тадбирлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади

10. Режалаштирилган масалаларни кўриб чиқиш муддатларини ўзгартириш ёки уларни чиқариб ташлаш ректор рухсати билан амалга оширилади.

11. Иш режаси лойиҳасига қўшимча масалаларни киритиш тўғрисидаги таклифлар проректорлар, бошқарма, марказ ва бўлим бошлиқлари томонидан, умумлаштирилган таклифлар режалаштириладиган давр бошига 10 кундан кечиктирмай университет Кенгаши ва ректор хузуридаги ишлаб чиқариш йиғилишида кўриб чиқиш учун киритилади.

12. Университет иш режасининг ўтган давр мобайнида қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисботлар университет Кенгаши ва ректор хузуридаги ишлаб чиқариш йиғилишларида мунтазам равишда эшитиб борилади ва Кенгаш котибида жамланади.

III. Масалаларни киритиш тартиби

13. Университет Кенгашида ва ректор хузуридаги ишлаб чиқариш йиғилишида муҳокама этиш учун ҳамда бошқа ташкилий масалалар проректорлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, факультет деканлари ва университет тизимидағи таълим йўналишлари раҳбарлари томонидан киритилади.

14. Университет ректорати ўзига юкланган вазифаларга оид масалаларни кўриб чиқади. Кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳар бир масала аниқ баён қилинган, зарур бўлганда, асосланган қарор ёки буйруқ (хат) лойиҳаси, шунингдек ҳужжатнинг моҳияти баён этилган қисқача тушунтириш хати билан тақдим этилади. Қўшимча моддий ҳаражатларни талаб қиласиган қарорлар, бўйруқлар лойиҳаларини тақдим этишда молиявий-иктисодий ва бошқа асослар илова қилинади.

15. Ҳужжатларнинг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўғрилиги учун ҳужжатни киритган шахс масъул ҳисобланади.

16. Ректорат ва вазирликнинг топшириқлари ҳужжат жўнатилган кундан бошлаб, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса 10 календарь кун давомида бажарилиши лозим.

17. Университетда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари фармойишлари, вазирликнинг буйруқ ва

Ҳайъат қарорларининг ижроси мониторинги ташкил этилади. Университетда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари фармойишларининг бажарилиши юзасидан маълумотлар ҳар ойнинг охирида, вазирликнинг буйруқ ва Ҳайъат қарорларининг ижроси бўйича маълумотлар ички назорат ва мониторинг бўлимига ҳар чорак охирги ойининг 20 санасига тақдим этилади.

IV. Университет Кенгаши ва ректор ҳузуридаги ишлаб чиқариш йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби

18. Университет Кенгашида олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришнинг, қабул қилинган қарорлар бажарилишини текширишнинг, кадрларни танлаш ва улардан фойдаланишнинг асосий масалалари, энг муҳим буйруқлар ва йўриқномалар лойиҳалари, факультетлар, кафедралар ва бўлимларнинг ҳисоботлари кўриб чиқилади ва улар бўйича қарорлар қабул қилинади.

19. Университет Кенгашини тайёрлаш ва ўтказиш университет Кенгашининг иш регламентига мувофиқ амалга оширилади.

Университет Кенгаши йиғилишлари университет Кенгаши режасига мувофиқ пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда ўтказилади. Йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни мувофиқлаштириш масъулияти Кенгаш котибига юкланди. Кенгаш котиби Кенгаш ва ишлаб чиқариш йиғилишларининг кун тартибидаги масалалар бўйича маълумотнома ва қарор лойиҳаларини тайёрлаш, йиғилиш бўлиб ўтадиган жойини белгилаш, йиғилишга таклиф этиладиган ходимларни белгилаш ҳамда кенгаш қарорларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириб жойларга ўз вақтида етказишга оид барча ишларни ташкил этади. Амалга оширилган ишлар ҳақида ректорга ахборот беради.

Университет Кенгаши ва ректор ҳузуридаги ишлаб-чиқариш йиғилишларини ўтказиш вақти 1,5 соатдан ошмаслиги лозим. Йиғилишларни куннинг нокулай пайтларида (яъни тонг саҳарлаб ёки ярим кечада) ўтказиш ҳамда йиғилишга бевосита алоқадор бўлмаган ходимларни таклиф этиш ман этилади. Йиғилишларни ректор ёки унинг топшириғига кўра ўқув ишлари бўйича проректор олиб боради.

Зарурат туғилганда шошилинч масалаларни кўриб чиқиш учун навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

20. Кенгаш қарорлари ва уларга оид ҳужжатлар аниқ ифодаланиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши, муҳокама қилинаётган масаланинг пухта таҳлилини ва холис баҳосини ўзига олган бўлиши, ижрочилар олдига аниқ мақсад вазифалар қўйиши, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини белгилаши керак.

Кенгаш йиғилишининг кун тартиби йиғилиш ўтказиладиган кундан 3 кун аввал кенгаш аъзоларига тарқатилади. Йиғилишда кўриладиган масалаларни тайёрлашга масъул вакиллар йиғилиш ўтказилишидан 3 кун аввал пухта ишланган қарор лойиҳаларини Кенгаш котибига кўпайтирилган ҳолда топширишлари шарт.

Кенгаш йиғилишлари кафедра мудирлари ва барча профессор ўқитувчилар иштирокида кенгайтирилган күринишда ҳам ўтказилиши мумкин. Кенгайтирилган йиғилишга кимларни таклиф қилишни ректор белгилайди.

21. Кенгаш йиғилишида сўзга чиқувчилар қуидаги регламентга риоя киладилар:

- Мұхокама этиладиган асосий масала бўйича маъруза – 15-30 минутгача;
- Таклиф ва мулоҳазалар учун – 5 минутгача;
- Маълумот (саволлар) учун – 3 минутгача;

22. Кенгаш қарорлари одатда Кенгаш йиғилишларида мұхокама қилинади. Айрим шошилинч масалалар ёки мұхокама қилиниши зарур бўлмаган масалалар бўйича қарор лойиҳалари кенгаш аъзолари билан (сўраб билиш тартибida) келишилади ва расмийлаштирилади.

Кенгаш қарорини, йиғилиш баёнини расмийлаштириш, йиғилиш қатнашувчиларини таклиф этиш, хужжатларни ўз вақтида тегишли муассаса, ташкилот ва шахсларга тарқатиш, Кенгаш қарорларида белгиланган топшириқларнинг бажарилишини назорат этиш учун Кенгаш котиби масъул деб ҳисобланади.

23. Университетда ижро интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек вазирлик буйруқлари, Ҳайъат қарорлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиц, ижро, меҳнат ва молия интизоми мониторинги, университет иш режасининг ўтган давр мобайнида бажарилиш ҳолати тўғрисидаги ҳисботларни Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳукуқий хужжатларни мунтазам равишда ўрганишни, вазирлик топшириқлари ва маҳаллий хокимият топшириқлари ижросини ташкил этиш ва ректоратнинг жорий фаолияти масалалари кўриб чиқиц мақсадида ҳафтада бир мартадан ошмаган ҳолда, одатда душанба куни соат 14-00да ректор ҳузурида ишлаб чиқариш йиғилиши ўтказилади. Йиғилишда проректорлар, ўкув бошқармаси бошлиғи ва бўлим бошлиқлари, факультет деканлари, кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан таклиф этилган ходимлар қатнашади. Кенгайтирилган йиғилишга кафедра мудирлари ва масалаларга тегишли шахслар ҳам таклиф қилиниши мумкин.

Ишлаб чиқариш йиғилиши қарорлари йиғилиш баёни билан расмийлаштирилади ва кейинги кун соат 12⁰⁰ гача ижро чиларга тарқатилади.

Кун тартиби йиғилиш ўтказилишидан 3 кун илгари тайёрланади.

Ишлаб чиқариш йиғилиши топшириқларининг бажарилиши юзасидан навбатдаги аппарат йиғилишида 3 минутлик ахборот берилади. Ишлаб чиқариш йиғилишларини расмийлаштириш ва топшириқлар бажарилишининг назорати университет Кенгаш котиби зиммасига юклатилади.

V. Ректор буйруқларини расмийлаштириш ва тарқатиш

24. Ректорат буйруқлар чиқаради, ҳамда Кенгаш қарорлари ва ишлаб чиқариш йиғилиши баёнларини қабул қиласди. Ректоратнинг мұхим аҳамиятига эга бўлган хужжатлари буйруқ шаклида чиқарилади. Шошилинч ва бошқа

жорий масалалар бўйича хужжатлар ишлаб чиқариш йиғилиши баёни шаклида чиқарилиб, ижрочиларга етказилади.

25. Кенгаш йиғилишларида муайян масалани мухокама этиш давомида билдирилган мулоҳазалар, киритилган қўшимча ёки ўзгартиришлар асосида қарорлар Кенгаш котиби томонидан икки кун муддат ичида қайта ишлаб чиқилади ва илмий кенгаш раиси – ректорга имзога тақдим этилади.

26. Кенгаш йиғинларида баён олиб борилади. Йиғилиш баёнини расмийлаштириш икки кун ичида амалга оширилади. Унга Кенгаш раиси ва Кенгаш котиби имзо қўяди.

27. Ректор буйруғи лойихалари, одатда, проректорлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати топшириқлари, вазирлик буйруқлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, ректор топшириғига мувофиқ ёки ўзининг ташаббуси билан проректорлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари ва юристконсульт билан келишган ҳолда тайёрланади. Келиши муддати, одатда, университетнинг ички тармоғи орқали бир иш қунидан ошмаслиги керак. Имзоланган буйруқнинг асл нусхаси асослари ва мутасадди шахсларга тарқатиш рўйхати билан девонхонага рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. Буйруқ белгиланган тартибда девонхона томонидан сканер қилиниб масъул ижрочиларга етказилиши таъминланади.

28. Буйруқ ва Кенгаш қарорларининг асл нусхалари университетнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳри билан тасдиқланади ва девонхонада темир шкафларда ўрнатилган тартибда сакланади. Ҳар чорак архивга топшириш талабларига риоя қилган ҳолда тўпламга жамланиб борилади ва ўрнатилган муддатда архивга сақлаш учун топширилади.

Университет иш жараёида буйруқ, кенгаш қарорларининг электрон (pdf) нусхаларидан фойдаланилади.

29. Ректор буйруқлари, Кенгаш қарорлари, агар уларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтидан бошлаб кучга киради.

30. Университетда ректор, ректор бўлмаган ҳолларда унинг биринчи ўринбосари томонидан ўқув жараёнига оид қўйидаги хужжатлар тасдиқланади:

1. Ишчи ўқув режалари ва ўқув дастурлари
2. Дарс жадваллари.

Тасдиқланган хужжатларга муҳр қўйилиб, тарқатилади ва хужжатларнинг намуналари ўқув бошқармасида сакланади.

31. Университетда Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳри, “Девонхона” ва университетнинг бурчак тамғаси (девонхона мудирида), “Ходимлар бўлими” муҳри (Кадрлар бўлими бошлиғида)”, “Пакетлар учун – махфий бўлим” муҳри (I бўлим бошлиғида), факультетларнинг муҳрлари (факультет деканатларида) сакланади. Муҳр ва тамғадан фойдаланиш тартиби ҳамда уларни сақлаш учун масъул шахслар ректор буйруғи билан расмийлаштирилади.

Университетнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳри билан ректор ва проректорлар томонидан университетнинг тегишли хужжатларига қўйилган имзолари тасдиқланади. Шу

билин бирга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа мутасадди идоралар томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган шакллар бўйича ҳамда лавозимлар имзоси билан топшириладиган ҳисоботлар ва бошқа хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳр билан тасдиқланади.

VI. Университетнинг доимий, вақтингчалик комиссиялари ва бошқа ишчи органлари

32. Ҳукумат қарорлари, вилоят ҳокимлиги, вазирлик топширикларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш, қабул қилинган хужжатларнинг университетда бажарилишини назорат қилиш ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича университет миқёсида доимий комиссиялар, ишчи органлар тузилиши мумкин.

Уларнинг вазифалари, функциялари ҳамда фаолият тартиби ректор буйруғи билан белгиланади.

VII. Университетда ҳукумат қарорлари ва бошқа хужжатларнинг ижро этилиши

33. Университетга келиб тушган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирлик буйруқлари ва Ҳайъати қарорлари, Андижон вилояти ҳокимияти қарорлари, ҳукумат қарорларининг ижроси бўйича вазирлик қўрсатмалари, топшириклари девонхонада рўйхатга олинади ва зудлик билан раҳбариятга киритилади. Ректор резолюцияси билан бир соат ичida ижро учун масъул ходимларга етказилади ва бир нусхаси ўрнатилган тартибда назоратга қўйилади.

34. Агар топшириқ бир неча ижрочига тааллукли бўлса, у ҳолда уни бажаришга масъул бўлган раҳбар ижрони мувофиқлаштиришга, унинг бажарилишини ташкил этишга мажбурдир. Ижрочилар топширикларнинг ўз вақтида бажарилиши учун баробар жавоб берадилар. Бажариш муддати факат имзолаган раҳбар томонидан узайтирилиши мумкин.

Топшириқда қўйилган масалалар ҳал қилинган ёки асосий масала бўйича жавоб берилган тақдирда у бажарилган ҳисобланади.

35. Университет томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлигига таклифлар вазирлик ҳамда вилоят ҳокимлигининг Регламентига қатъий риоя қилган ҳолда ректор томонидан, ректор бўлмаган ҳолларда ўкув ишлари бўйича проректор томонидан имзоланади.

36. Ижро интизомини узрсиз сабабларга кўра қўпол бузилишига йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари ректор буйруғига асосан кўлланилади.

VIII. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ҳамда қўриб чиқиш

37. Университетда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиши тартиби “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва шу асосда ишлаб чиқилган тегишли Низом билан белгиланади.

38. Оғзаки мурожаатларни қабул қилиш ректор, проректорлар, ўкув бошқармаси ва бўлим бошлиқлари томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

39. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳамда фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш алоҳида тайинланган масъул шахсга юклатилади.

IX. Иш юритиш

40. Университетда иш юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 марта ги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон, 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида” ги 12-сон қарори қарорлари, шунингдек ушбу норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган иш юритиш тартиби ҳақидаги Йўриқномага мавофиқ амалга оширилади

X. Жавобгарлик

41. Ушбу Иш Регламенти бузилган ҳолларда айбор шахсларга нисбатан ўрнатилган тартибда интизомий жазо чоралари кўрилади.